

Кегейлилик хотин-қизлар замонавий корхонада ишли бўлди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташрифини Кегейли туманидаги “Ақтуба текстил” корхонасидан бошлади.

Илгари бу туманда саноат умуман йўқ эди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича қилинаётган ишлар, ҳудудлараро ҳамкорлик натижалари бу ерда ҳам сезилмоқда. Хусусан, андижонлик тадбиркорлар билан биргаликда учта лойиҳа ишга туширилди.

Улардан бири – “Ақтуба текстил” йилига 3 миллион дондан зиёд трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун Германия, Япония ва Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. 500 та иш ўрни яратилган. Йилига 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, ишчи аёллар билан суҳбатлашди. Чекка ҳудудларда бундай янги корxonалар очилаётгани, хотин-қизлар иш билан таъминланаётганининг аҳамиятини таъкидлаб, буни давом эттириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Корxonанинг ўзида касб-хунарга қайта тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилган. Унда яқин маҳаллалардаги ишсиз фуқаролар хунар ўрганиб, ўз йўлини топади.



Манба